

Саҳронинг дағал табиати



06:28 / 17.09.2025 996

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ ҳадис дарсини бошлашдан аввал таҳорат қилар, гўзал либосларини кияр, соқолларини тарар, баданига хушбўйлик суртар, мисвок қилар ва виқор ва ҳайбат билан курсига ўтирардилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан одоб ва тавқир, таъзим ва эҳтиром қандай бўлишини ўрганишга жуда муҳтожмиз.

У кишига нисбатан энг гўзал сўзларни ишлатиш, муборак сўзларини ривоят қилаётганда қандай ворид бўлган бўлса, шундайлигича етказиш лозим.

У зотга нисбатан тирикликларида қандай эҳтиром намуналари кўрсатилган бўлса, вафотларидан сўнг ҳам шундай эҳтиром қилиш матлубдир.

Асҳоблар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида камоли одоб билан ўтирар, У киши сўзлаганларида бамисоли бошларига қуш қўнгану уни ҳуркитиб юборишни истамаган кимсадек қимир этмасдилар. Асло У зотни исмлари билан чақирмасдилар. Балки, улуғ мақомлари билан «Эй Аллоҳнинг Расули!» ёки «Ота-онам Сизга фидо бўлсин!» каби камоли эҳтиром ва таъзимни англатувчи сўзлар билан мурожаат қилганлар.

Фақат, баъзан исломдан йироқ бўлган, илтифот, одоб ва эҳтиром нималигини билмайдиган бадавий араблар биринчи марта Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳрига келиб қолгандагина «Эй Муҳаммад!»

каби сўзлар билан чақирганлар холос. Аммо, бундай бетакаллуф муомала қасддан бўлмагани ва мазкур шахслар саҳронинг дағал табиатли, тўпори арабларидан бўлгани учун ҳам уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарса демаганлар. Йўқса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳамнафас бўлиб юрган бирор улуф саҳобийнинг нубувватдан сўнг «Эй Муҳаммад» деб чақириб юганини биласизми?! Эшитганмисиз ҳеч?!..

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.